

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил  
27 июнда 2472-сон билан рўйхатга олинган “Ҳайдовчи ва  
хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга  
яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисида”ги Низомни рақобатга таъсирини баҳолаш юзасидан  
ХУЛОСА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сонли Фармонида асосан Монополияга қарши курашиш кўмитасининг (кейинги ўринларда - Кўмита) асосий вазифаларидан бири сифатида қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик белгиланган.

Кўмитаниннг 2020 йил II-ярим йиллик иш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда 2472-сон билан рўйхатга олинган “Ҳайдовчи ва хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатига олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш Методикаси асосида ўрганилди.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда 2472-сон билан рўйхатга олинган Ҳайдовчи ва хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ “А”, “В”, “С”, “D” ва “Е” тоифаларидаги автототранспорт воситалари ҳамда трамвай ва троллейбус (бундан буён “транспорт воситаси” деб юритилади) хайдовчилари ва хайдовчиликка номзодлар, уларнинг соғлиғи транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини аниқлаш мақсадида Низомда белгиланган тартибда **мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтишлари** белгиланган.

Мазкур Низомнинг:

5-бандида хайдовчилар ва хайдовчиликка номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат даволаш-профилактика муассасалари қошида ташкил этиладиган **тиббий хайдовчилик комиссиялари** томонидан **пуллик** асосида амалга оширилиши;

19-бандида тиббий кўриқ ўтказилаётган давлат даволаш-профилактика муассасасида тиббий кўриқнинг айрим турларини ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, хайдовчи тиббий комиссиянинг қарорига кўра **бошқа давлат даволаш-профилактика муассасасига кўшимча тиббий**

**кўриқдан пуллик асосда ўтиш** учун юборилиши мумкинлиги, бунда ҳайдовчига қайси даволаш-профилактика муассасасига бориши, унинг жойлашган манзили аниқ кўрсатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Айнан шу соҳа бўйича халқаро тамойиллар ва стандартлар, шунингдек, илғор хорижий тажриба ва норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганилди. Жумладан,

– Европа иттифоқи давлатларида ҳайдовчилик гувоҳномаси учун 2006/126/ Европа иттифоқи Директивасидан (*қонунчилигидан*) келиб чиққан ҳолда, А-В тоифасидаги ҳайдовчилар учун тиббий кўриқдан ўтиш талаб этилмаслиги, Европа иттифоқига аъзо давлатлар ушбу талабни ўз хоҳишига кўра белгилаши, аммо барча номзодлар тиббий талабларга жавоб беришлари кераклиги белгиланган;

– Россия Федерацияси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 11 мартда 41376 – тартиб рақами билан рўйхатга олинган Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 июндаги 344 – сонли “Транспорт воситалари ҳайдовчиларини мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги (транспорт воситалари ҳайдовчилигига номзодлар) буйруғи 3-бандига кўра, тиббий кўрик оториноларингология, офталмология, неврология ва функционал диагностика, терапия ёки умумий тиббий амалиёт (оилавий тиббиёт) бўйича тиббий фаолият учун лицензияга эга бўлган **давлат, шаҳар ва хусусий соғлиқни сақлаш тизимларининг тиббиёт ташкилотларида** амалга оширилиши белгиланган.

– Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 апрелда 8437 – тартиб рақам билан рўйхатга олинган Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 20 мартдаги 166 – сонли “Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш, механик транспорт воситалари ҳайдовчисини такрорий (даврий) тиббий кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи 5-бандига кўра, талабгорларнинг тиббий кўриқлари ва механик транспорт воситалари ҳайдовчиларининг такрорий тиббий кўриқлари соғлиқни сақлаш ташкилотларида ёки бириктирилган жойда **бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи соғлиқни сақлаш ташкилотларида**, касбий яроқлилиқ экспертизасини ўтказиш бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган тиббиёт ташкилотларида амалга оширилиши белгиланган.

Хорижий давлатларнинг тажрибалари ҳамда мамлакатимизда шакллантирилган амалиёт ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш соҳасида хусусий секторни киришига муайян чекловлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторини янада ривожлантириш, хусусий тиббиёт ташкилотлари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини

соддалаштириш ва такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида **мазкур хизматлар бозорига хусусий секторни киришидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатига олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш Методикасининг 21-бандига асосан ваколатли орган **амалдаги қонун ҳужжатини рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид деб топганида** вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари юзасидан - рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдимнома киритиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш соҳасида барча субъектлар учун тенг шароитлар яратиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда 2472-тартиб рақами билан рўйхатга олинган “Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни 5- ва 19-бандларига тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.